МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ТЕКСТОЛОГИЯ // SOURCE STUDY AND TEXTOLOGY

УМУРЗОҚОВ БАҲРИДДИН
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Алий Сафий Ҳиравийнинг Тошкент қўлёзма фондларида мавжуд асарлари ва ижодкор қаламига мансуб янги топилмалар

Аннотация. *Жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз бой мероси бугунги кунда дунё фондларида сақланиб келинмоқда ва олимлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Аждодларимизнинг дунёқараши, маънавий-эстетик олами, айниқса, қўлёзма манбаларда ўзининг ёрқин, гўзал ифодасини топган бўлиб, бу манбалар соғлом эътиқодли комил инсонни тарбиялашдек муҳим ва ғоят масъулиятли ишда энг таъсирчан ва самарали воситалардан бири эканлиги аллақачон эътироф этилган ҳақиқатдир.*

Миллий-маънавий қадриятларимиз тикланиб, қадимий қўлёзма меросимиз дурдоналарини ҳар томонлама янада чуқурроқ ўрганишга давлат сиёсати даражасида жиддий аҳамият берилаётган ҳозирги кунда биз кўҳна маданий меросимизни, узоқ ўтмишга бориб тақаладиган миллий тарихимизни теранроқ англаб етмоқдамиз.

Фахруддин Алий Сафий бин Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф. 939/1533), унинг ижоди дунёвий ва диний илмларнинг турли соҳаларини қамраб олганлиги билан аҳамиятли. Фахруддин Алий Сафий асарларида аждодларимиз илмий мероси орқали юксак фазилатларга эга бўлган инсонни тарбиялаш, ёшларни динимиз асослари орқали соғлом тафаккур ва пок ахлоққа тарғиб қилиш ғоялари ўз ифодасини топган.

Таянч сўз ва иборалар: *қўлёзма, қўлёзмалар, Алий Сафий ғазали, "Шарҳ-и Маснавий", "Туҳфату-л-мулук", эътиқод, ахлоқ, тасаввуф, ирфон.*

Аннотация. *Сегодня, когда наши национальные и духовные ценности восстановлены и изучению шедевров нашего древнего рукописного наследия придается серьезное значение на уровне государственной политики, у нас появляется более глубокое понимание нашего древнего культурного наследия и национальной истории, уходящей корнями в далекое прошлое.*

Одним из мастер слов, внесших своим творчеством большой вклад в развитие мировой культуры и науки, был Фахруддин Али Сафи бин Хусейн Ваиз Кашифи (ум. 939/1539). Его работы примечательны тем, что освещают различные области светских и религиозных наук. В произведениях Фахруддина Али Сафи отражены идеи воспитания человека с высокими качествами через научное наследие наших предков, продвижение молодежи к здоровому мышлению и чистой нравственности через основы нашей культури и религии.

В этой статье представлена информация о двух недавно обнаруженных новых произведениях прозы и одном стихотворении (газель) Мавляна Фахруддин Али Сафи Хирави.

На основании недавно обнаруженной этой газели Али Сафи, рубаи и стихов в "Рашахат"е исследователь пришел к твердому выводу, что у этого художника мог быть "Девон" (Сборник газелей). В своей статье исследователь также подробно рассматривает рукописи произведений Али Сафи в ташкентских рукописных собраниях.

Раздел статьи «Новые находки в творчестве Али Сафи» уникален тем, что в нем рассматриваются еще две новые рукописи ранее неизвестных произведений Али Сафи и газель.

По словам автора статьи, одной из этих рукописей является труд Али Сафи «Шарх-и Маснави», единственная рукопись которого хранится в основном фонде Академии наук Узбекистана.

Вторая рукопись - «Тухфа-и мулук», единственная рукопись которой хранится в основном фонде Академии наук Республики Узбекистан. Примечательно, что обе эти рукописи, написанные на персидском языке, сейчас отдельно и подробно изучаются исследователем.

Согласно статье ФА РУ №1023 инв. На полях страниц 140a-140b "Majmu'a-i bayoz", который хранится под номером По словам исследователя, эта газель была взята из Девона Али Сафи. Итак, перед нашим исследователем стоит важная задача - найти «Девон» поэта.

Опорные слова и выражения: *рукопись, рукописы, газал-и Али Сафи, «Шарх-и Маснави», «Тухфату-л-мулук», вера, этика, суфизм, ирфан.*

Abstract. *Today, when our national and spiritual values have been restored and the study of the masterpieces of our ancient manuscript heritage is given serious importance at the level of public policy, we have a deeper understanding of our ancient cultural heritage and national history, rooted in the distant past.*

One of the master of words who made a great contribution to the development of world culture and science with his work was Fahruddin Ali Safi bin Husein Waiz Kashifi (d. 939/1539). His work is notable for covering various areas of secular and religious sciences. The works of Fakhruddin Ali Safi reflect the ideas of raising a person with high qualities through the scientific heritage of our ancestors, the advancement of young people to healthy thinking and pure morality through the foundations of our culture and religion.

This article provides information on two recently discovered new works of prose and one poem (gazelle) by Mavlian Fakhruddin Ali Safi Hirawi.

On the basis of the recently discovered this gazelle by Ali Safi, the rubai and poems in "Rashakhat", the researcher came to the firm conclusion that this artist could have had "Devon" (Collection of Gazelles). In his article, the researcher also examines in detail the manuscripts of Ali Safi's works in the Tashkent manuscript collections.

The section of the article "New finds in the work of Ali Safi" is unique in that it examines two more new manuscripts of previously unknown works of Ali Safi and a gazelle.

According to the author of the article, one of these manuscripts is the work of Ali Safi "Sharh-i Masnavi", the only manuscript of which is kept in the main fund of the Academy of Sciences of Uzbekistan.

According to the author of the article, one of these manuscripts is the work of Ali Safi "Sharh-i Masnavi", the only manuscript of which is kept in the main fund of the Academy of Sciences of Uzbekistan.

The second manuscript is "Tukhfa-i muluk", the only manuscript of which is kept in the main collection of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. It is noteworthy that both of these manuscripts, written in Persian, are now being studied separately and in detail by the researcher.

The second manuscript is "Tukhfa-i muluk", the only manuscript of which is kept in the main collection of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. It is noteworthy that both of these manuscripts, written in Persian, are now being studied separately and in detail by the researcher.

According to article FA RU No. 1023 inv. On the margins of pages 140a-140b "Majmu'a-i bayoz", which is kept under number According to the researcher, this gazelle was taken from Devon Ali Safi. So, our researcher is faced with an important task - to find the "Devon" of the poet.

Keywords and expressions: *manuscript, manuscripts, ghazal-i Ali Safi, "Sharh-i Masnavi", "Tukhfatu-l-muluk", faith, ethics, Sufism, irfan.*

Кириш. Жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз бой мероси бугунги кунда дунё фондларида сақланиб келинмоқда ва олимлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Аждодларимизнинг дунёқараши, маънавий-эстетик олами, айниқса, қўлёзма манбаларда ўзининг ёрқин, гўзал ифодасини топган бўлиб, бу манбалар соғлом эътиқодли комил инсонни тарбиялашдек муҳим ва ғоят масъулиятли ишда энг таъсирчан ва самарали воситалардан бири эканлиги аллақачон эътироф этилган ҳақиқатдир.

Миллий-маънавий қадриятларимиз тикланиб, қадимий қўлёзма меросимиз дурдоналарини ҳар томонлама янада чуқурроқ ўрганишга давлат сиёсати даражасида жиддий аҳамият берилаётган[1] ҳозирги кунда биз кўҳна маданий меросимизни, узоқ ўтмишга бориб тақаладиган миллий тарихимизни теранроқ англаб етмоқдамиз.

Фахруддин Алий Сафий бин Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф. 939/1533)дир. Унинг ижоди дунёвий ва диний илмларнинг турли соҳаларини қамраб олганлиги билан аҳамиятли. Фахруддин Алий Сафий асарлари, хусусан, «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» [2] да аждодларимиз илмий мероси орқали юксак фазилатларга эга бўлган инсонни тарбиялаш, ёшларни динимиз асослари орқали соғлом тафаккур ва пок ахлоққа тарғиб қилиш ғоялари ўз ифодасини топган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қадимий қўлёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 й. 25 май, №103 (6797), -Б.1.

[2] Бундан кейин «Рашаҳот» тарзида берилади.

Фахруддин Алий Сафий Кошифий Ҳиравий илмий-адабий мероси. XV–XVI аср мобайнида Ҳиротда яшаб, ижод этган шоир, етук манақибнавис, Мавлоно Фахруддин Алий Сафий Кошифий Ҳиравий, ҳақиқатан, ўз даврида Ҳирот илмий-адабий муҳитининг етук алломаларидан, мумтоз адабиёт вакилларидан бири ҳисобланади. У ўзига хос ижодий фаолияти ва илмий-адабий мероси билан ўз даври тасаввуф адабиётига муносиб ҳисса қўшган буюк ижодкордир.

Фахруддин Алий Сафий «Сафий» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг манзума қасидалари, шеърий достонлари, шунингдек, «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асарида юзга яқин рубоий, маснавийлари мавжуд.

Қуйидаги асарлар Алий Сафий қаламига мансуб асарлар сифатида эътироф этилган: «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» («Ҳаёт булоғидан томчилар»), «Латойифу-т-тавойиф» («Ажойиб лутф сўзлар»), «Анису-л-орифин» («Ориф зотларнинг ҳамроҳи»), «Ҳирзу-л-амон мин фитани-л-замон» («Замона фитналаридан халос бўлиш учун омонлик чоралари»), «Фараснома-и Сафий» («Сафийнинг от ҳақидаги достони»), «Одобу-л-асҳоб» («Биродарлик одоби ёки Биродарлар учун одобнома китоби»), «Лавоиҳу-л-қамар» («Ойнинг кўринишлари»), «Манзума-и Маҳмуд-у Айоз» («Маҳмуд ва Аёз ҳақида шеърий достон»), «Асрор-и Қосимий».

Тожикистонлик олим М. Неъматов ўз тадқиқотида Алий Сафийнинг яна бир асари, яъни «Луғат-и Алий Сафий» («Алий Сафийнинг сўзлиги») ҳақида ахборот берган[1]. ЎзР ФА ШИ фондида бу асар мавжуд эмас. Тожикистон ФА Шарқ қўлёзмалари каталогида ёзилишича, мазкур «Луғат-и Алий Сафий» қўлёзмаси Тожикистон ФА Шарқ қўлёзмалари фондида сақланади ва асар муаллифнинг дастхат нусхаси бўлиши мумкин. Шахсий архивимизда Алий Сафийнинг дастхати мавжуд бўлгани боис келгусида биз бу асарни синчиклаб ўрганиб, бу масалага ойдинлик киритиш умидидамиз.

Алий Сафий ижодига оид янги топилмалар. Яқинда биз Алий Сафийнинг шу кунга қадар номаълум бўлиб келган яна иккита янги асари қўлёзмасини ва бир ғазалини аниқлашга муваффақ бўлдик.

Бу қўлёзмалардан бири ижодкорнинг “Шарҳ-и Маснавий” асаридир. Мазкур асарнинг ягона қўлёзмаси ЎзР ФА ШИ фондида сақланиб келинмоқда.

Иккинчи қўлёзма эса “Туҳфа-и мулук” номли асар бўлиб, бу асарнинг ҳам ягона қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИ асосий фондида сақланмоқда. Ҳар икки асар форс тилида ёзилган. Ҳозирда биз ушбу ҳар икки қўлёзмани алоҳида, тафсилотли тавсиф ва тадқиқ этишга киришганмиз.

Яқинда Ҳирот шоирлари шеърлари асосида тузилган баёзлар тўпламини тадқиқи асносида Алий Сафий қаламига мансуб бир ғазалга дуч келдик[2].

[1] http://cheloveknauka.com/rashahotu-aynilhaet.
[2] ЎзР ФА ШИ. Қ. №1023.-Б. 140а-140б.

№1023 инв. рақам остида сақланаётган “Мажмуъа-и баёз”нинг 140а-140б варақ ҳошиясида “Ғазал-и Мавлоно Фахруддин Алий мутахаллас ба-Сафий” сарлавҳаси остида шоирнинг ғазали келтирилган бўлиб, ғазал қуйидаги мисралар билан бошланган:

Илоҳо, дар диёр-и меҳнатам ҳашмат паноҳе деҳ,

Зи дарду доғ-и ишқам тож-у тахт подишоҳе деҳ!..

(*Мазмуни:* Илоҳо, тириклик диёримда менга улуғвор омонлик ато қил,

Дардманд дилимдан доғланган ишқимга тож-у тахт, султонлик ато қил!..)

Мазкур ғазал Алий Сафийнинг “Девон”идан олинганлиги аниқ. Галдаги муҳим вазифамиз ижодкорнинг ана ўша “Девон”ини топишдан иборат бўлмоқда.

Тошкент қўлёзма фондларида Алий Сафий Ҳиравий асарлари қўлёзмалари. ЎзР ФА ШИ асосий фонди, Ҳ.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар фонди, ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи фонди, Ўзбекистон Мусулмонлари Идораси кутубхонаси, ҳақиқатан, охирги минг йилликда яратилган илмий ва адабий манбалар хазинаси ҳисобланади. Мазкур қўлёзма фондларида Алий Сафийнинг юқорида номлари келтирилган барча асарларининг ўнлаб қўлёзма нусхалари ва тошбосма нашрлари сақланиб келинмоқда. Биз қуйида Фахруддин Алий Сафийнинг Тошкент қўлёзма хазиналаридан ЎзР ФА ШИ асосий фондида мавжуд асарлари нодир қўлёзмалари тавсифи ва тадқиқи ҳақида қисқача сўз юритамиз. Шуни афсус билан айтиш ўринлики, ижодкор қаламига мансуб мазкур асарларнинг илмий-изоҳли замонавий нашрлари Ўзбекистонда ҳали-ҳамон амалга оширилмасдан келинмоқда.

Алий Сафийнинг шоҳ асари «Рашаҳот»дан кейин иккинчи йирик, муҳим асари, шубҳасиз, «Латойиф ат-тавойиф» асари ҳисобланади.

СВРда бу асар номи لطايف الطوايف«Тонкие слова людей разных категорий», яъни «Турли табақа вакилларининг нозик гўфт-у гўйлари» шаклида берилган[1]. Бу асар ҳам форс тилида ёзилган.

Бу асарнинг ШИда ўн тўққизта нусхаси мавжуд ва улардан баъзиси, масалан, №9333 инв. рақам остида сақланаётган нусхаси суқутлик (аввали йўқ) нусхадир. Асарнинг нусхаларидан бири «Интихоб аз Латойифи-т-тавойиф» деб номланган бўлиб, у атиги 13 варақ (26 саҳифа)дан иборат. «Латойиф ат-тавойиф»нинг бу мухтасар нусхаси №4645 инв. рақам остида сақланаётган китобдаги иккинчи асар ҳисобланади.

Тадқиқотимизда асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида №3636/1 рақами билан сақланаётган нусхасидан фойдаланилмоқда. Мазкур қўлёзма 21,5х26,6 см ҳажмда бўлиб, 119 варақ (238 саҳифа)дан иборат. Настаълиқ хатида, ҳар

[1] СВР АН УзССР, Т.5. – Т.: изд. «ФАН» УзССР, 1960. – С.144.

саҳифасида ўн уч сатрдан қилиб матн жойлаштирилган. Котиби Абдуллоҳ Хўқандий. Қўлёзма ҳижр. 1253 сана (мил. 1837 й.)да китобат қилинган.

Асар қуйидагича бошланган (басмала, ҳамд ва салавотдан кейин):

و این رساله یست مسمّی بلطایف الطوایف و لطایف بجهار ده باب است و الله ولی الرشاد و منه المبدء و ومعاد

Шундан сўнг муаллиф асар бобларининг номланишини бирма-бир баён қилган [15,1б-2а]:

و فهرس الابواب باب اول این کتاب در بیان استحباب مزاح و در ذکر بعضیء از مطاییهای حضرت رسول عالم صلی الله علیه و سلم ---

Биринчи боб Ҳазрат Пайғамбар *соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг* саҳобаи киромларга, ўз хонадони аҳлларига муборак ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Иккинчи боб* маъсум имомлар – Чаҳорёри киромлардан эшитилган нозик иборалар, уларнинг ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Учинчи боб* подшоҳларнинг ҳикоялари ва ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Тўртинчи боб* амирлар, бекзодаларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Бешинчи боб* сипоҳийлар (ҳарбий одамлар, яъни лашкарбошилар ва аскарлар)нинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Олтинчи боб* фасиҳ ва балиғ, яъни сўзга чечан, гапни топиб гапирадиган инсонларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Еттинчи боб* машойих, уламо, қозилар, фақиҳлар ва воъиз инсон-ларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Саккизинчи боб* олдин яшаб ўтган ҳаким (донишманд) зотлар ва охирги давр ҳакимларининг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан иборат. Мазкур саккизинчи бобда Алий Сафий таъбирчилар ва мунаж-жимларнинг ўзаро ҳазил-мутойибаларини ҳам нақл қилган.

*Тўққизинчи боб*да шоирларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари; *Ўнинчи боб*да шеър аҳли, яъни шоирларнинг ашъорида ўз аксини топган ажиб ва ғаройиб бадиий лутфлар; *Ўн биринчи боб*да рижол (яъни, эр кишилар) ва аёлларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари; *Ўн иккинчи боб* бахил кимсалар, очофат одамлар ва ёш болаларнинг лутф сўзлари ҳақидадир.

Асар қуйидаги жумлалар билан тамомланган[1]:

و صال نشیته ام و انتظاری آن میبرم که کجا یاشد که این بار شود منتظر باش و جشم در بر در دار و کر نظر را در قنطار نهاد

Асар колофонидаги ёзув[2]:

تمت الکتاب بعون الملك الوهاب تمام شد این نسخهء شریفه متبرکه میمؤن المبارك مسمّی بلطایف الظرایف حضرت مولانای جام نوّره الله مرقده در ید ضعیف نخیف حقیر وغریب و شکستهء ناتوان بر تقصیر عبد الله خوقندی جواهری بامر امارت حکومت دستکاه در روز جهار شنبه در نهم ماه ربیع الثانی سنه 1253 اختمام بزیرفت

هیج خطی نیست خالی از غلط　　خط تقدیست خالی از غلط

[1] ЎзР ФА ШИ. Қ. №3636/1. – Б. 119[a].

[2] ЎзР ФА ШИ. Қ. №3636/1. – Б. 119[a]

اللهم اغفر لی و لوالدیه و الاستاذیه و لجمیع المؤمنین و المؤمنات و المسلمین و المسلمات امین و رب العالمین

روزیکه مرك دامن عمرم رها کنند　　این خاك تیره بند ز بندم جدا کنند
یا رب نکاه دار تو ایمان آن کسی
کین خط من بوسند من را دعا کنند

«Латойиф ат-тавойиф»нинг яна бир нодир қўлёзма нусхаси №3655 инв. рақам билан сақланади. Бу нодир нусха 1278/1863 йилда китобат қилинган, настаълиқ хатида, жами 119варақ (238 саҳифа)дан иборат. Кўчирувчиси – Мулло Исмоил ибн Мулло Азимбой.

Асар қуйидагича бошланган (басмаладан сўнг)[1]:

بعد از ادای لطایف تحمیداد الهی و وظایف صلوات حضرت رسالت بناهی علیه و آله صلوةً ---

جنین کوید فقیر بفقر نسبتی مبادی علی بن الحسین الواعظ الکاشفی المشتهر با الصفی ایّده الله با لطف الخفی که جون در شهور سنهء تسع و تسعمائه بواسطه تحول روزکار و تقلّب لیل و نهار بعد خلاص و نجات از حبس یك ساله شهر هرات و یحمل انواع ریاضات و اصناف بلیات بدود هرات رود بارکه از جبال –

Мазкур нусханинг бошланиши юқоридаги нусха бошланишидан фарқли экани яққол кўриниб турибди. «Асар бошланиши аслиятда қандай ўзи?» деган саволга жавоб топишимиз учун ушбу асарнинг ё дастхат нусхаси лозим ва ё ишончли нусхасидан китобат қилинган қўлёзмаси керак бўлади.

Асар қуйидагича тамомланган [18,119б]:

و صال نشیته ام و انتظاری آن میبرم که کجا یاشد که این بار شود منتظر باش و جشم در بر در دار و کر نظر را در قنطار نهاد

تمت الکتاب بعز الملك الوهاب نسخهء لطایف الظرایف سنه 1278 شد بتوفیق خدای لا ینام این کتابت روز جمعه شد تمام علی ید الضعیف یخیف ملا اسماعیل ابن ملا عظیم بای غفر الله تعالی ذنوبهما و ستر عیوبهما والله اعلم بالصواب

Қуйидагилар китобнинг ўнг тарафи ҳошиясида қиялатиб ёзилган [18,220б]:

هر که خواند دعا طمع دارم　　زانکه من بنده کنه کارم
شکر که این نسخهء بعنوان رسید　　بیشتر از مرك میا یان رسید

Шундан сўнг кейинги, яъни 221а саҳифада басмала ва унинг қуйисида жами олти мисра форсий шеър ёзилган.

Мир Алишер Навоий одамлар таълим-тарбияси, қизиқишлари ва эътиқодига кўра уларни бир неча табақаларга бўлган. Алишер Навоийнинг фикрича, ўттиздан ортиқроқ табақалар бор[2].

Алий Сафий «Латойиф ат-тавойиф»да мазкур табақалардан баъзиларининг ўзаро суҳбат, гурунг, мулоқот асносидаги «бадийҳатан» (ҳозиржавоблик билан) айтган гап-сўзларини келтириш билан бирга ўша шахслардан ҳар бирининг маънавий даражаси борлигига ҳам ишора қилган.

---

[1] ЎзР ФА ШИ. Қ. №3655. – Б. 1б.

[2] Навоий Алишер. Ўн беш томлик асарлар. Хазоинул-маъоний. Ғаройибус-сиғар. 1-том. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Сулаймон. – Т., 1963. – Б.12.

«Латойиф ат-тавойиф» Эронлик олим Аҳмад Гулчин Маъоний томонидан муқаддима, илмий-изоҳлар ва кўрсаткичлар иловаси билан нашр этилган[1]. Китоб «Иқбол» нашриёти муҳри билан ЎзР ФА ШИга ҳадя қилинган ва у институт қўлёзмалар асосий фондида №22624 рақами билан сақланади. «Латойиф ат-тавойиф»нинг мазкур Эрон нашри билан асарнинг Тошкент қўлёзма нусхалари матншунослик ва манбашунослигимиз нуқтаи назаридан келгусида, албатта, қиёслаб тадқиқ этилиши лозим.

Умуман олганда, «Латойиф ат-тавойиф» мумтоз адабиётимизда анъана бўлган бадиий-тарихий насрнинг йирик намунаси бўлиб, Алий Сафий ижодида ўзига хос ўрин тутади.

2. «Анису-л-орифин» («Ориф зотларнинг ҳамроҳи»). Бу асарнинг нафақат ШИ қўлёзмалар хазинасида ва умуман, Тошкент фондларида қўлёзма, тошбосма ва ё литографик нашри нусхаси мавжуд эмас.

3. «Ҳирзу-л-амон мин фитани-л-замон» («Замона фитналаридан халос бўлиш учун омонлик чоралари»). Бу асарнинг ШИ қўлёзмалар асосий фондида жами 14 та қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, бу асар ҳам форс тилида ёзилган.

Биз тадқиқотимизда асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида №9423 рақами билан сақланаётган нусхасидан фойдаланмоқдамиз. Қўлёзма ҳижрий 1098 сана / милодий 1686 йилда кўчирилган. Котиб – Абу Толиб Абдулмалик. Мазкур қўлёзма нусха 15х24,5 см ҳажмда, 108 варақ (216 саҳифа)дан иборат. Настаълиқ хатида. Ҳар саҳифасида 21 сатрдан қилиб матн кўчирилган.

Асар қуйидагича бошланган (басмаладан кейин)[2]:

الحمد لله محب الدعوات و رافع الدرجات و الصلوة و السلام على سيدنا محمد و له مظهر الخيرات و مطهر البركات أما بعد جنين كويد فقير بي بضاعت و حقيرخالى از استطاعت على بن الحسين الواعظ الكاشفى ابده الله بالطف الخفى كه اين مجموعه است بر خواص حروف مقطعه قرآنى و اسماء حسناى ربانى و سوار و آيات فرقانى كه از نفايس علوم خفيه است و مخصوص است بحضرت كرام اهل نبيت عليهم الصلوة و السلام—

4. «Фараснома-и Сафий» («Сафийнинг от ҳақидаги достони»).

Бу асарнинг нафақат ЎзР ФА ШИда бир дона литографик нашри мустасно, биронта қўлёзма нусхаси, шунингдек, тошбосма нусхаси ҳам топилмади. Аммо эронлик тадқиқотчи А.Г.Маъоний бу асар қўлёзмаси ҳақида маълумот берган ва литографик нашри мавжудлигини ҳам айтиб ўтган. «Фараснома-и Сафий» асари форс тилида ёзилган бўлиб, мазкур асар от ҳақида ва айниқса, отлар парвариши билан боғлиқ бўлган бир қатор жиҳатларни ўрганишда қўл келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

5. «Одобу-л-асҳоб» («Биродарлик одоби» ёки «Биродарлар учун одобнома» китоби).

---

[1] لطائف الطوائف تأليف:مولانا فخرالدين على صفى (متوفّى بسال 939) با مقّدمه و تصحيح و تحشيه و تراجم اعلام بسعى و إهتمام احمد كلجين معانى از انتشارات اقبال تهران، آذرماه 1336، 424 ص، فهرست لطائف الطوائف: صص-462 – 325

[2] ЎзР ФА ШИ. Қ. №9423. – Б.1[6].

ШИ қўлёзмалар асосий фондида мазкур асарнинг жами саккизта қўлёзма нусхаси мавжуд.

Биз асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида №11726 инв. рақами билан сақланаётган нусхасидан фойдаландик. Қўлёзма ҳижр. 1284 сана / мил. 1867–1768 йилда кўчирилган бўлиб, 12,5х20,5 см ҳажмда ва жами 175 варақ (350 саҳифа)дан иборат. Котиб – Мир Файзуллоҳ Тошкандий.

Асар қуйидагича бошланган (басмаладан сўнг)[1]:

الحمد لله الذى زيّن من جزيل عطائه قلوب اوليائه بمحاسن الاوصاف و الأداب و الصلوة على سيدنا الذى بعثه الله ليتم مكارم الاخلاق و ادابه باحسان التأديب فى كل باب و السلام على آله و اصحابه المتأدّبين بآدابه بلا از تياب اما بعد ---

Қўлёзма колофонидаги ёзув[2]:

تمام يافت اين نسخهء شريف اين غريق بحر عصيان محتاج برحمة ملك منان مير فيض الله تاشكندى روز يكشنبه از هجرت هزار و دو صد و هفتاد جهار بود اتمام يافت

يا ارحم الراحمين يا هادى المضلين فرياد رس

زانكه من بنده كنه كارم هر كه خواند دعا طمع دارم

Ушбу варақ тепасида котиб қалами билан ورق 175, яъни «175-варақ» деган ёзув мавжуд. Аммо қаламда ёзиб қўйилган варақнинг рақами эса 179 кўрсатилган. Бунга китоб аввалида ёзилмасдан бўш қолдириб кетилган тўрт варақ сабаб бўлган. Котиб уларни ҳисобга олмаган.

Асар одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган. У ҳар бири тўрт фаслни ўз ичига олган саккиз бобдан иборат. Асарда инсон одоби мавзуларга ажратилган ҳолда панд-насиҳат тарзида тушунтириб берилган: *Биринчи фасл – истеъзон* (бировнинг олдига кириш учун изн сўрамоқ), *салом, мусофаҳа* (қўл бериб кўришмоқ), *муъонақа* (сафардан қайтганлар билан қучоқлашиб кўришмоқ) ва *тақбил* (саломга жавоб қайтармоқ) одобидан; Иккинчи фасл салом бермоқ одоблари баёнидан; *Учинчи фасл* мулоқот одоблари баёнидан; *Тўртинчи фасл* суҳбат аҳлининг баъзи атвор ва аҳволи зикридан иборат бўлиб, унда ўн тўрт одоб бор, яъни ухламоқ, либос киймоқ, йўл юрмоқ, отга минмоқ, масжидда ўзини бошқалардан устун қўймаслик ва бошқа кўплаб одоблар баён қилинган.

«Одобу-л-асҳоб» асари XIX асрда Муҳаммад Содиқ Кошғарий томонидан туркий тилга таржима қилинган. Мазкур таржима Тошкентда «Одобу-л-солиҳин» (Солиҳ зотлар одоби) номи билан литографик усулда нашр бўлган. 1895 йилда эса Н.С.Ликошин тарафидан «Одобу-с-солиҳин»нинг рус тилидаги қисқартирилган мазмуни эълон қилинган. 1889 йилда «Лахтин» босмахонасида чоп этилган. 1900 йилда мазкур таржима Тошкентдаги «Порцев» матбаасида «Мусулмонликка оид материаллар тўплами» (Сборник материалов по мусульманству)нинг иккинчи жилдида

[1] ЎзР ФА ШИ. Қ. №.11726. – Б.1б.
[2] ЎзР ФА ШИ. Қ. №.11726. – Б.79а.

қайта нашр этилган. Мазкур нашрга асосланилган рус тилидаги асар матни 1992 йили «Камалак» нашриётида чоп қилинган[1].

Мазкур асарнинг бир қисми «Одобу-л-асҳоб»дан» деган ном билан замонавий ўзбек тилига таржима қилиниб, тўпламда берилган[2]. Умуман олганда, мазкур асар ҳам бадиий-тарихий насрнинг йирик намунаси бўлиб, Алий Сафий ижодида ўзига хос ўрин тутади.

6. «Лавоиҳу-л-қамар» («Ойнинг кўринишлари ҳақида»). Асар форс тилида ёзилган.

Бу асар Алий Сафийга тегишлими ёки унинг отаси Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийгами? Бу саволга жавоб топиш учун мазкур асар қўлёзмаларини яхшилаб тадқиқ этиш зарур.

«Лавоиҳу-л-қамар» асарининг ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида учта нусхаси мавжуд бўлиб, аммо картотекада №8312/IV рақам билан сақланаётган нусхасигина қайд этилган, холос.

Асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида яна бир қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, у №8312/4 рақами остида сақланади. Биз асарнинг ана шу нусхасидан фойдаландик. Мазкур қўлёзма ҳижр. 1234 сана / мил. 1819 йилда кўчирилган бўлиб, 15х20 см ҳажмда. Хати настаълиқ, ҳар варақда 19 сатрдан қилиб кўчирилган. Асар жами 60 варақ (120 саҳифа)дан иборат. Котиби – Муҳаммад ибн Алий Асғар.

Асар қуйидагича бошланган (китоб номи ва басмаладан кейин) [11,60б]:

من تصنيفات ملا علی---

الحمد لله الذی بیده حکمت ازمنة الاختیار و بفیضه قدرة القتدار و الصلوة علی رسوله و حبیبه محمد الامین المختار المبعوث باشارة و ---

اما بعد از اداء ثناء قادر مختار جلسة العطبة و علمت کلمة که دست اختیار از تقلد اعمال کارخانه ابداع و مشیت و تقریب در خزانه اسرار قدرت و ارادت او کوتاه است یفعل الله ما یشاء و یحکم ما یرید و نثار انوار ثوابت و سبّارات لمن کان له قلب و القی السمع و هو شهید---

جنین کوید حقیر فقیر حسین علی الصفی المشتهر بالکاشفی ایدالله باللطف الخفی که جون بمدد و دسباری رفیق توفیق---تحقیق رساله که---

Асар матнида حقیر فقیر حسین ابن علی البیهقی المشتهر بالکاشفیёзилган, аммо кейин ابن«ибн», «ал-Байҳақий» البیهقیва калималари ўчирилган, ҳошияда الصفی «ас-Сафий» ёзиб қўйилган. Демак, котиб янглишиб, Алий Сафийга унинг отаси Мавлоно Кошифийнинг «Байҳақий» нисбасини берган, аммо кейинчалик бу хатони тузатган кўринади.

Муқаддима аввалидаги «*Чунин гўйад ҳақийр фақийр Ибн Ҳусайн Алий ас-Сафий ал-муштаҳар би-л-Кошифий*» жумласи Алий Сафийнинг услубини эслатади. Чунки унинг барча асарлари мана шундай бир хил услубда, яъни «*Чунин мегўйад...*» деб бошлангани билан диққатимизни тортади.

---

[1] Мухаммед Садык-и Кашгари. Кодекс приличий на Востоке (Адаб ул-салихын). – Т.: «Камалак», 1992. 100 с.

[2] Алий Сафий. «Одоб ул-асҳоб»дан. – Б. 89–103 // Аждодларимиз маънавий меросидан. Масъул муҳаррир О.Бўриев. – Т.: «Фан», 2014. 160-б.

Асар ушбу жумлалар билан тамомланган[1]:

---والله جامع الشمل و يتم النور و اليه تصير الامور وقع الفراغ من تسويده فى تاريخ شهر محرّم الحرام سنه 1234 من الهجرة النبوية

Кейин қуйидагилар чап тарафда сурх рангда қиялатиб ёзилган[2]:

حرره العبد الذليل الحقير الفقير المحتاج لرب الرحمان محمد بن علي عسكرى الكازرونى سنه الف مائتين ثلثون اربع

Асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида №460 инв. рақамда яна бир нусхаси мавжуд бўлиб, мазкур қўлёзма ҳижрий 1305 йилда кўчирилган, 21,5х26,6 см ҳажмда. Жами 127 варақ (254 саҳифа). Котиби номаълум. Қўлёзма ўтган аср бошларида юртимизда «ўрис қоғози» номи билан танилган замонавий қоғозга чиройли настаълиқда битилган.

Асар қуйидагича бошланган (басмаладан кейин)[3]:

الحمد لله الذى بيد حكمته الاختيار و بقيضة قدرته اغته الاقتدار و الصلوة و السلام على رسوله و حبيبه محمد الامين المختار المبعوث باشارات دربك يخلق ما يشاء و يختار و السلام على آله الامجاد الاطهار و صحبه الاخيار ---اصحابى كالنجوم جنين كويد فقير حقير حسين بن على البيهقى المشتهر بالكاشفى ايده الله با للطف الخفى كه جون بمدد دوستيارى رفيق توفيق –

ШИ қўлёзмалар хазинаси картотекасида ҳам асар муаллифи «*Мавлоно Ҳусайн ал-Воъиз ибн Алий ал-Байҳақий ал-муштаҳар би-л-Кошифий»*дир. Қўлёзмада асарнинг Мавлоно Ҳусайн Кошифийга нисбат берилиши хато бўлган. Чунки Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг асарлари рўйхатида бу асар йўқ.

Демак, мазкур нусха кўчирилаётган вақтда котиб томонидан асар муаллифи номи хато ёзилган ёки шундай хатолик мавжуд бир қўлёзмадан китобат қилинган. Зеро, Алий Сафийга «Байҳақий», «ал-Байҳақий» нисбаларининг берилишига ҳам мана шу хатолик сабаб бўлгани аниқ бўлмоқда. Умуман олганда, мазкур асар ҳақиқатда кимга тегишли экани борасида қатъий хулосага келинмагани учун ҳам юқоридаги чалкашлик юзага келган. Бизнинг фикримизча, мазкур асар шу ҳолатида Алий Сафийга тегишли. Аммо асарнинг қадимий қўлёзмаси – муаллиф даврида китобат қилинган нусхаси топилсагина, асар Кошифийлардан қайси бирининг қаламига мансуб экани аниқ бўлади.

Мазкур нусха ушбу жумлалар билан тамомланган[4]:

بعد از ايشان مراتب هر يكى را بحسب مرتبه ايشان اثرى بود هر جند مرتبه اعلى و اكمل باشد ---اختيار در حق وى اتم و اشمل بود والله جامع الشمس و منهم النور و اليه تصير الامور

قد وقع الفراغ من تسويد النسخة الشريفة يوم

السبت 3 ذى الحجة الحرام سنة 1305 هجرى الف الف صلوة

Асарда, асосан, инсон, унинг қадр-қиймати, қобилиятлари, феъл-атворлари хусусида батафсил сўз юритилган бўлиб, муаллиф унда

[1] ЎзР ФА ШИ. Қ. №8312. – Б.119б.
[2] ЎзР ФА ШИ. Қ. №8312. – Б.119б.
[3] ЎзР ФА ШИ. Қ. №460. – Б. 1б-2а.
[4] ЎзР ФА ШИ. Қ. №460. – Б. 126б.

инсоннинг илм-у ирфон, касб-ҳунар, чиройли ахлоқ билан юксак даражалар топиши, аксинча бўлса, қадрсиз бир жонзот ҳолига тушиши мумкинлиги, охир-оқибат аянчли оқибатларга гирифтор бўлиши каби масалаларга кенг тўхталган.

Мазкур асар таълим-тарбия йўналишида бир қатор жиҳатларни ўрганишда қўл келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

7. «Манзума-и Маҳмуд ва Айоз» («Маҳмуд ва Аёз ҳақида шеърий достон») ва 8. «Асрор-и Қосимий». Бу икки асарнинг наинки ШИда ва умуман, Тошкент қўлёзма фондларида ҳозирча қўлёзма нусхаси, шунингдек, тошбосма ва литографик нашрлари ҳам топилмади. Эронлик тадқиқотчи А.Г.Маъоний «Манзума-и Маҳмуд ва Айоз» ҳамда «Асрор-и Қосимий» ҳақида маълумот берар экан, бу икки асар форс тилида ёзилганлиги, ҳатто «Манзума-и Маҳмуд ва Айоз» асарнинг литографик нашри мавжуд эканини ёзган[1].

Баъзи нашрларда Фахруддин Алий Сафий Имом Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Суҳравардий (ваф. 1234 й.)нинг «Уйуну-л-ҳақойиқ ва изоҳу-т-тароийқ» (Ҳақиқатлар булоғи ва тариқатлар изоҳи) عيون الحقايق و إيضاح الطرايق асарини арабчадан форс тилига таржима қилгани айтилган[2]. Афсуски бу асарнинг ҳам ЎзР ФА ШИ фондида ва умуман, Тошкент қўлёзма фондларида биронта ҳам қўлёзма нусхаси, шунингдек, тошбосма ва литографик нашри ҳам топилмади.

Хулоса. Алий Сафий асарларининг Эрон нашрларини Тошкент қўлёзма фондларида мавжуд қўлёзмалари билан ўзаро қиёслаганимизда, шу нарсага қатъий амин бўлдикки, ижодкор асарларининг Тошкент қўлёзма нусхалари қадимийлиги, матнларининг тўлиқ экани билан замонавий илмий нашрлардан фарқ қилади. Литографик ва тошбосма нашрларнинг ҳам кўп жойларида чалкашликлар учрайди. Алий Сафий асарларининг Тошкент қўлёзма нусхалари мана шу жиҳатдан ғоят катта илмий аҳамиятга эгадир.

Фахруддин Алий Сафий ўзидан бой илмий-адабий мерос қолдирган. Унинг асарлари ўзига хос услубда, маҳорат билан ёзилгани учун ҳам асарларининг юзлаб қўлёзма ҳолида китобат қилиниб, бизгача етиб келгани сўзимизнинг яққол далилидир. Ижодкорнинг эътиқодий, ахлоқий, тасаввуфий-ирфоний қарашлари чуқур акс этган меросини чуқур тадқиқ этган ҳолда илм-у маърифатга чанқоқ халқимизга етказиш галдаги муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

[1] Мавлоно Фахруддин Алий Сафий. Латойиф ат-тавойиф. – Теҳрон, 1373/1953. – Б.8.
[2] Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси. – Самарқанд, 2016. – Б. 353–354.